

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова

Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (ХХ асрнинг 50-70 йиллари мисолида) 162

Д.Юлдашева, Н.Набиева

Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи 165

И.Жўраев

Бадий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси 168

О.Холматов

Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини 171

С.Хақназарова

Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси 175

А.Мамажонов

Мазмуни умумлашган қўшма гаплар 178

Н.Қўлдашев

Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика 181

М.Гофурова

Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар 185

У.Буриева

Функционал дискурс таҳлили муаммолари 189

Д.Ҳакимова

Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид 192

Ҳ.Сотволдиева

Мақол ва маталлар оламни идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида 195

М.Мамажонов

Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадий матнда қўлланилиши 198

Ш.Имомназарова

Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари 200

Ф.Анварова

Синонимларнинг тилда қўлланилиши 204

М.Ҳайитова, М.Мирзаҳмедов

Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари 207

НУТҚНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТДАН БЎЁҚЛАНГАНЛИГИ ВА УНИ
БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

ЛИНГВОКУЛЬТУРНАЯ ОКРАСКА РЕЧИ И ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ЕЕ ФАКТОРЫ

LINGUOCULTURAL COLORING OF SPEECH AND THE FACTORS DETERMINE IT

М.Фофурова

Аннотация

Мақолада турли тиллар қардош бўлганида ҳам дунёнига тил воситалари орқали идрок қилиниши, ҳар қандай нутқий мулоқотнинг миллый ўзига хослиги, унинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқли бўлиши, нутқ маҳсулоти, тиллар – ўзларининг асосий коммуникатив вазифасини бажаришга лингвомаданий ва бошқа омиллар қай даражада таъсир кўрсатиши мумкинлиги ёритиб берилади.

Аннотация

В статье освещаются вопросы о восприятии мира с помощью языковых средств даже тогда, когда разные языки являются родственными, национальном своеобразии любого речевого общения, его лингвокультурной окраске, речевом продукте, языках – о влиянии лингвокультурных и других факторов на выполнение ими их основной коммуникативной функции.

Annotation

The article explains how language can be understood even when different languages are connected, the national identity of any speech communication, its linguistic competence, the ability of language, linguistic and other factors to influence the main communicative function of languages.

Таянч сўз ва иборалар: номинатив, онг маҳсули, рефлексия, олам манзараси.

Ключевые слова и выражения: номинативный, продукт сознания, рефлексия, картина мира.

Keywords and expressions: nominative, the product of consciousness, reflection, world view.

Ҳар қандай нутқий мулоқотнинг миллый ўзига хослиги, унинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқли бўлиши XX аср охри ва XXI аср тилшунослари томонидан тан олинган ҳукм сифатида намоён бўлди. Бу табиийдир, чунки ҳар қандай нутқий мулоқот қандайдир бир вазиятда содир бўладики, бу вазият ўз навбатида турли маданий лингвистик, ижтимоий, иқтисодий, психологияк, диний ва бошқа база устида яратилган вазиятда амалга оширилади. Бу нарса ўз навбатида шу нутқий мулоқот фонини ташкил қилувчи компонентларни яратиладиган нутқ маҳсулотига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишига олиб келиши инкор қилиб бўлмайдиган факт эканлигини билдиради.

Нутқ маҳсулоти: маданий омиллар, этник омиллар, рухий омиллар, ижтимоий-иктисодий, физиологик омиллар, нутқ вазияти шакллари, сўзловчининг нутқий интенцияси. Тилда инсон омили деганда сўзловчининг шахси ва нутқ вазияти табиатидан келиб чиқкан ҳолда нутқ маҳсулотини яратиш, бу нутқ маҳсулотининг сифати, табиати, коммуникатив мақсади ва шу каби омилларини тил маҳсулоти яратилишидаги роли ва ўрнини ўрганиш тушунилади.

Ҳар бир шахс муайян бир жамоа, этномаданий гурух, аниқроғи бир ҳалқ ёки

миллатнинг бир таркибий қисми бўлганлиги учун юқорида номи зикр этилган турли характер ва табиатга эга бўлган омиллар шахснинг нутқий хулқига таъсир кўрсатганидек, бутун бир ҳалқнинг нутқий хулқига таъсир кўрсата олади.

Тил ҳалқка хизмат қиласи. Алоҳида олинган якка бир шахс ҳалқдан ташқарида тира олмайди. Якка одамга мулоқотга эҳтиёж йўқ, демак, тилнинг ҳам унга кераги йўқ. Жамоанинг психолингвистик хусусияти алоҳида шахслар психолингвистик хусусиятларининг йиғиндисидир. Худди шундай жамоанинг лингвомаданий хусусияти шу жамоада яратилаётган нутқ вазиятларини лингвомаданий хусусиятларининг мажмую сифатида намоён бўллади.

Ҳар бир миллатнинг тили бошқа миллатлар тилларидан фарқланганидек, ҳалқлар этник, психик, маданий ва бошқа хусусиятлари ҳам бошқа ҳалқлар этник, психик, маданий ва бошқа хусусиятларидан фарқ қиласи.

Ушбу мақолада бу тиллар – ўзларининг асосий коммуникатив вазифасини бажаришга лингвомаданий ва бошқа омиллар қай даражада таъсир кўрсатиши мумкинлиги ёритиб берилади, тилларни этнопсихологик ва лингвомаданий жиҳатдан қиёслашнинг шуниси қийинки бунда кўпроқ умумий қонуниятлари яратилган тил

М.Фофурова – ҚДПИ инглиз тили ва адабиёти кафедраси
ўқитуучиси.

материалы табиати сифати, миқдорий кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўли билангина объектив маълумотларни олишимиз мумкин.

Айrim олинган тушунчалар майдонининг турли тиллар структурасида тизимланиши ўша тилларда сўзлашувчи кишилар менталитети, борлиқни когнитив жиҳатдан категоризация қилиш хоссаларига боғлиқ бўлгани учун ҳар доим ҳам математик жиҳатдан асосланган кичик силлиқ ечимларни топа билмаслигимиз мумкин.

Тилнинг лингвокультурологик жиҳатларини белгиловчи куйидаги нутқий мулоқот стереотипларини санаб ўтишимиз мумкин:

1. Алоҳида олинган бир шахснинг нутқий хулқи стереотипи у мансуб бўлган тилнинг қонуниятлари томонидан белгиланади.

2. Тил қонуниятлари шу тилда сўзлашувчи шахс учун бажарилиши мажбурий бўлган алгоритмлар йиғиндисидан иборатdir.

3. Умуминсоний қадриятлар кўп ҳолларда ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган, аммо шу тил жамоаки, колективи томонидан бажариш учун қабул қилинган прескриптив характердаги қонун-қоидалар, ҳукмлар йиғиндиси.

4. Тилларда сўзловчи шахслар олдига нутқ маҳсулотини яратишига қўйиладиган интролингвистик талаблардан ташқари мавжуд бўлган экстролингвистик талаблар ҳам сўзловчи томонидан бирдай қабул қилина олмайдиган коэффициентлардан ҳисобланади.

5. Ҳар бир сўзловчининг нутқ акти пайтидаги руҳий ҳолати, соғлиғи, кайфияти, билим савияси, маданияти, социолингвистик параметрлари, турлича бўлганлиги учун муайян бир тилда сўзловчилар сони 100 млн хил бўлади. Ёки ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

6. Бу параметрлар доим бир хил таъсир кўрсата олади, деб айтиб бўлмайди. Улар орасида салбий таъсирини йўқотиб бўладиган ҳамда салбий таъсирини йўқотиб бўлмайдиган параметрлар мавжуд. Маълум мақсадларда нисбатан яхшироқ, яъни тил нормасида максимал даражада яқинлаштирилган нутқ маҳсулотларини яратиш пайтида айrim салбий коэффициентларга эга бўлган параметрлар нейтрализациясида кузатилади.

Параметрларнинг бу каби гурӯхларга бўлиннишининг сабаби шуки, бу гурӯх

вакиллари бир – биридан ўзгаришларига чидамлилиги билан кескин фарқ қиласди.

Нутқ маҳсулотининг жадвал сифатига таъсир кўрсатувчи салбий ва ижобий коэффициентга эга бўлган параметрлар.

Салбий коэффициентга эга бўлган параметрларнинг асосий белгиси шуки, уларни умуман ўзгартириб бўлмайди. Масалан, эркак аёл бўлиб қолмайди, қора танли одам оқ танлига айланиб қолмайди ёки инглиз ўзбек бўлиб қолмайди ва ҳоказо.

Ижобий коэффициентга эга бўлган параметрларни нутқ моменти ва нутқ маҳсулоти мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ўзгартириш мумкин. Масалан, саводлилик даражаси пастроқ бўлса, уни кўтариш, кайфияти ёмон бўлса яхшилаш мумкин ва ҳоказо. Бу ҳолатнинг назарий асосларини ёритиб бериш учун Г.В.Колшанский “Оlam манзараси” муаммоси билан боғлиқ куйидаги жиҳатларни келтиради:

1. Инсон олам манзарасининг объективлаштирилмаган (моддийлаштирилмаган) ҳолатида бундай манзара локаллаштириш “майдони” ҳисобланади;

2. “Оlam манзараси” куйидаги ҳолларда инсон томонидан яратилади:

- а) хаётий фаолиятга асос буладиган дунё образларининг предметлаштирилиши, объективлаштирилиши натижасида. Бу, ўз моҳиятига кўра, дунё образининг қайта юзага чиқиши ҳисобланади ва

- в) рефлексия жараёнида янги образларнинг ишлаб чиқилиши натижасида бу дунё образининг қурилишидан иборат бўлади;

3. Олам манзараси – бу воқеликнинг кўзгудаги акси эмас, балки унинг муайян тарзида талқинидир, чунки “оламни муайян призмалар орқали кўриш ҳисобига яратиладиган оламнинг ҳар қандай манзараси ҳар доим муқаррар равишда инсоний субъективлик, ўзига хосликнинг белгиларини ўз ичига олади. Олам манзараси инсоннинг оламни идрок этиш негизи бўлиб, ўзида унинг асосий хусусиятларини мужассам этади” ки, бу, тилнинг антропоцентриклиги билан боғлиқдир (26.41).

М.Хайдеггернинг фикрича, “Оlam манзараси” тушунчаси куйидагилардан иборат бўлади: “манзара” сўзини эшитиб, биз аввало ниманингdir инъикоси тўғрисида ўйлаймиз. Шунда дунё манзараси тегишлича, гўёки, умуман бутун борлиқнинг акси бўлади. Бирок, дунё манзараси бирмунча кенгроқ маънога эга. Биз бунда дунёнинг ўзини, умуман унинг бутун

ИЛМИЙ АХБОРОТ

борлигини биз учун белгиловчи ва шарт ҳисобланадиган тарзда назарда тутамиз. Бу ўринда манзара чизилган нарсанинг эмас, балки нутқ маҳсулотида эшилган нарсанги англаатади: биз ниманингдир манзарасини ўзимизга тасаввур этамиш... Ниманингдир манзарасини ўзи учун тасаввур этиш; борлиқнинг ўзини ўз олдига унинг қай ҳолатда бўлса. шундай ҳолатда қўйиш ва уни хар доим шундай тасаввур қилишни англаатади. Лекин бу ерда ҳозирча бундай манзара моҳиятига тегишли ҳал қилувчи таъриф йўқ. "Биз ниманингдир манзарасини ўзимизга тасаввур этдик" деган жумла нафакат бизнинг борлиқни, умуман, қандайдир тасаввур қилганимизни, балки ушбу борлиқнинг бизнинг тасаввуримизда унга хос бўлган ва уни тизим сифатида ташкил этадиган жамики унсурларнинг бизнинг тасаввуримизда намоён бўлишини билдиради. Ушбу "манзаравнинг тасаввур этилиши" иборасида компетентлик, бутунлик, аниқ мақсадга йўналтирилганлик жаранглайди. Олам манзарага айланган жойида умуман борлиқка нисбатан худди инсон бутун диққат-эътиборини қаратган нарсага бўлгани каби муносабат билдиради ва шунинг учун у ушбу манзаравни ўзига тақдим этиш, тасаввур хазинасида олиб қолиша ҳаракат қиласи. Моҳиятан англаб етилган олам манзарави шу тахлитда оламни тасвиirlайдиган манзарави эмас, балки бундай манзара маъносида англаб етилган дунёни англаатади... Дунё манзарави ҳақида гап кетадиган жойда умуман борлиқка тегишли туб ечим чиқарилади. Борлиқнинг мавжудлигини ушбу борлиқ тасвиридан излашади ва топишади" (105.49).

Дунёниг реал манзарави бу инсондан ташқаридағи объектив ҳолат, бу инсонни ўраб турган оламдир.

Дунёниг маданий манзарави бу реал манзаравнинг инсонниг сезиш органлари ёрдамида олинган ва унинг жамоатчилик ҳамда индивидуал онги орқали ўтган тасаввурлари негизида шакллантирилган тушунчалар призмаси орқали акс этишидир.

Дунёниг лисоний манзарави воқеликни дунёниг маданий манзарави орқали акс этириади. Аммо, барибир, қисм яхлитлик, тил маданиятнинг бир қисмининг ўзаро нисбати ҳақида эмас, балки уларнинг ўзаро ҳаракати ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади. Тил маданиятнинг бир қисми, лекин маданият ҳам тилнинг фақат бир қисми. Демак, дунёниг тилдаги манзарави, моабодо маданий манзара деганда биз инсон онгидаги мужассам бўлган

дунё образини яъни, инсоннинг моддий, жисмоний тажрибаси ва маънавий фаолияти натижасида яратилган дунёқарашни тушунадиган бўлсак, унда тўлалигича маданий манзара билан қамраб олинмаган. Шундай қилиб, дунёниг маданий ва тилдаги манзаравлари ўзаро бир бири билан чамбарчас боғланган. Узлуксиз равишда ўзаро ҳаракатда бўлади ва дунёниг реал манзарави чиқиб боради.

С.Т.Тер-Минасованинг фикрича, дунёниг миллий манзарави унинг тилдаги манзарави чиқиб боради. Миллий манзара тегишли тилдаги манзарага нисбатан тўлароқ, бойроқ ва теранроқдир. Бироқ, айнан тил дунёниг миллий-маданий манзарави чиқиб оширади, вербаллаштиради, уни сақлайди ва авлоддан авлодга етказади. Тил дунёниг миллий қиёфасида мавжуд бўлган ҳамма нарсанги ҳам қайд қила олмайди. лекин ҳамма нарсанги баён килиши мумкин. Бизнинг фикримизча, маданиятнинг тилга нисбатан ёки, аксинча, тилнинг маданиятга нисбатан бирламчилиги ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ эмас. Аслида булар иккита ўзаро бир бири билан боғланган "дунё манзаравлари" бўлиб. сабаб-оқибатли алоқаларнинг уларга нисбатан кўлланиши мумкин эмас.

Турли тиллардаги айни бир хил тушунчани ифодаловчи сўзларнинг семантик сигимида кўра фарқланиши, воқеликнинг ҳар хил парчаларини қамраб олиши мумкин. Дунё манзарави чиқиб боради. Тил маданиятнинг тақдим этадиган мозаика парчалари инсон миясида атрофдаги олам инъикоси натижасида олинган тушунчали материјал ҳажмига қараб ҳар хил тилларда фарқланиши мумкин. С.Т.Тер-Минасованинг фикрича, инъикос усууллари ва шакллари ҳам тушунчаларнинг шакллантирилиши сингари ўз навбатида ушбу нутқ жамоаси ҳаётининг ижтимоий-маданий ва табиий ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Тил орқали тафаккурдаги тафовутлар айнан бир хил тушунчани ифодалаш шаклларининг ортиқалиги ёки етишмаслигини сезишда намоён бўлади.

Ю.Д.Апресян дунёниг лисоний манзарави ҳақида масаланинг ҳозирги ҳолатини тавсифлаб, бундай тадқиқотнинг иккита асосий йўналишда кетаётганини қайд қиласи (3.38).

1. Бир томондан. тилга оид ва умумий маданий онг "стереотиплари", ушбу этнос учун характерли бўлган айрим жиҳатлари тадқиқ қилинади. Муаллиф уларни ўзига хос лингвомаданий изоглосслар ва изоглосслар

туркмлари, деб атайди. Булар күнгил, хасрат, тақдир, кечмиш, ирода ва шу каби типик жиҳатлардир. Бошқа томондан, деб қайд қиласы мұаллиф, носспецифик жиҳатларнинг ўзига хос коннотацияларидир (масалан. турли маданиятлардаги ранглар билан ифодаланадиган рамзлар).

2. Айни бир вактда “тил учун хос бўлган дунёга нисбатан гарчи “содда” бўлса-да, лекин илмийгача бўлган яхлит қарашни излаш ва қайта таъмирлаш бўйича изланишлар бормоқда” Яъни, “умуман диалект” тадқиқ қилинаяпти. Муаллифнинг фикрича, бу ўринда миллий ўзига хосликнинг ҳисобга олинишида барибир “асосий дикқат-эътибор айнан шу дунёning тилдаги яхлит манзарасига қаратилади”. Муаллиф охирги йўналишнинг асосий қоидаларини хulosалаб, шундай қайд қиласы:

1. Ҳар бир табиий тил дунёни идрок этиш ва ташкил килиш (концептуаллаштириш) нинг муайян усулини акс эттиради. Унда ифодаланадиган моҳиятлар қарашларнинг қандайдир ягона тизимда ўзига хос жамоатчилик фалсафасига мужассамлашади, бундай фалсафа ушбу тилда гаплашувчилар учун мажбурий қоида сифатида белгиланади.

2. Тил учун хос бўлган воқеликни концептуаллаштириш усули (дунёқараш қисман универсал, қисман миллий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, турли тилларда сўзлашувчилар дунёни бирозгина турлича, ўз тиллари призмаси орқали қуришлари мумкин.

3. Бошқа томондан. у кўпгина мұхим деталлари юзасидан дунёning илмий манзарасидан фарқ қилиши сабабли “содда” ҳамдир. Бунда оддий тасаввурлар аспо фақат соддагина эмас. Кўпчилик ҳолларда улар

худди илмий тасаввур каби мураккаб ва қизиқарлидир. Масалан, инсоннинг ички олами ҳақидаги оддий тасаввурлар шундайдир...” (Уша жойда. 39).

Г.В.Колшанскийнинг қайд қилишича, тилнинг мазмунан ташкил қилинишидаги бир тизимга соловчи негизни излашлар лингвистларни тилнинг семантик таҳлилига олиб келди. Тилга нисбатан бундай ёндашув сўзларнинг аҳамиятига нисбатан бир тизимли қарашни назарда тутади. Гап семантик майдон услуби ҳақида бормоқда. Семантик майдон деганда, қандайдир тушунча (баъзан – ғоя) атрофида гуруҳлашадиган сўзлар ва сўз бирикмалари назарда тутилади. Матннинг бундай элементлари “семантик примитив” сўзлар ва идиомалар амал қилишини фараз қиласы. И.Трир фикрига биноан, “семантик майдон” луғатнинг ушбу тилнинг муайян “тушунчали” соҳасини қамраб оладиган мұхим қисмидан иборат. “У бетакрор, ўзининг ички қонунлари билан бошқарилади ва ўзининг турли тиллар ҳамда айнан бир тил тарихидаги мавжуд шунга ўхшаш ҳодисаларга ўхшамайдиган “дунё манзарасини” амалга оширади” (14.10).

Хатто турли тиллар қардош бўлганида ҳам дунёning тил воситалари орқали идрок қилиниши ва концептуаллаштирилишидаги тафовутлар жиддий бўлиши мумкин. Бошқача айтганда. турли тилларда дунё манзаралари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Дунёнинг тilda, лисоний манзарасида этник менталитет ушбу тилда сўзлашувчиларнинг атрофдаги дунё ҳақидаги ментал тасаввурини акс эттирадиган рамзий образларда вербаллашган “асосий” маданий концептларда долзарблашади.

Адабиётлар:

1. Колшанский Г.В. “Объективная картина мира в познании и языке”. –2012.
2. Ермолаева О.Н. “Library science Abstracts”. –1960.
3. Апресян Ю.Д. “Языковая картина мира и системная лексикография”. –2017.
4. Тер-Минасова С.Т. “Язык и межкультурная коммуникация”. –2012.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)